

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/29.10.2021.К/Т.60.05 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУЛЛОЕВ ОБИДЖОН ШАХАБИДИНОВИЧ**

***ARTEMISIA ANNUA L.* ЎСИМЛИГИ ВА ФЕРРОЦЕН АСОСИДА ХАЛҚ  
ТАБОБАТИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН БИОЛОГИК ФАОЛ  
БИРИКМАЛАР ОЛИШ ВА УЛАРНИ СИНФЛАШ**

**02.00.09 – Товарлар кимёси**

**14.00.41 – Халқ табobati**

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Андижон – 2022**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of the abstract of dissertation doctor of science**

**Абдуллоев Обиджон Шахабидинович**

*Artemisia annua* L. ўсимлиги ва ферроцен асосида халқ табобатида қўлланиладиган биологик фаол бирикмалар олиш ва уларни синфлаш..... 3

**Абдуллоев Обиджон Шахабидинович**

Получение и классификация биологически активных добавок на основе растения *Artemisia annua* L. и ферроцена, применяемые в народной медицине ..... 29

**Abdulloev Obidjon Shakhabidinovich**

Obtaining and classification of biologically active additives based on the plant *Artemisia annua* L. and ferrocene, used in traditional medicine ..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 59

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/29.10.2021.К/Т.60.05 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУЛЛОЕВ ОБИДЖОН ШАХАБИДИНОВИЧ**

***ARTEMISIA ANNUA L.* ЎСИМЛИГИ ВА ФЕРРОЦЕН АСОСИДА ХАЛҚ  
ТАБОБАТИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН БИОЛОГИК ФАОЛ  
БИРИКМАЛАР ОЛИШ ВА УЛАРНИ СИНФЛАШ**

**02.00.09 – Товарлар кимёси**

**14.00.41 – Халқ таботати**

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Андижон – 2022**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.3.DSc/K135 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.adu.uz](http://www.adu.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Аскарлов Иброҳим Раҳмонович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Махсумов Абдулхамид Ғофурович**  
кимё фанлари доктори, профессор  
**Шамшидинов Исроилжон Турғунович**  
техника фанлари доктори, профессор  
**Ахмадалиев Махаммаджон**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона давлат университети**

Диссертация химояси Андижон давлат университети хузуридаги DSc.03/29.10.2021.K/T.60.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 20 сентябрь соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100 Андижон ш., Университет кўч. 129. Тел.: (99877) 223 88 30, факс: (99874) 223 84

Диссертацияси билан Андижон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Андижон ш., Университет кўч. 129. Тел.: (99874) 223 88 30, факс : (99874) 223 84 33) e-mail: [agsu\\_info@edu.uz](mailto:agsu_info@edu.uz)).

Диссертация автореферати 2022 йил 7 сентябр куни тарқатилди.  
(2022 йил 7 сентябрдаги № 09 рақамли реестр баённомаси)



**Х.Исаков**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
раиси, тех.ф.д., профессор

**М.М.Мўминжонов**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, к.ф.д.

**Ш.В.Абдуллаев**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар  
раиси, к.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фан доктори ( DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда доривор ўсимликлар таркибидан ажратиб олинган биологик фаол бирикмалар асосида тайёрланган озиқ-овқат қўшилмалари ва шифобахш моддаларга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Бу ўринда касалликларни даволаш учун биологик фаол моддаларни яратиш ва уларни халқ табobati ҳамда тиббиётга тадбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун янги турдаги биологик фаол моддалар манбаларини аниқлаш, уларни модификациялаш, аналогларини синтез қилиш ҳамда янги турдаги зарарсиз ва экологик тоза биологик фаол озиқ-овқат қўшилмаларини ишлаб чиқиш, уларни амалиётга татбиқ этиш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Жаҳонда охирги пайтларда халқ табobati билан боғлиқ фанлар соҳасида экологик тоза, организмга зарар келтирмайдиган шифобахш доривор моддаларни олиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, янги биологик фаол қўшилмалар ҳамда дори воситаларини амалиётда қўллаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада хоссалари жиҳатидан амалдаги препаратлардан устун бўлган доривор озиқ-овқат қўшилмаларни яратиш, табиий органик пероксидлар асосида саратон, вирус ва паразитларга қарши юқори фаолликка эга бирикмаларни синтез қилиш, уларнинг кимёвий ва биологик фаоллигини тадқиқ этиш, ферроцен ва органик пероксидларнинг янги биологик фаол ҳосилаларини олиш, темир тутган органик пероксидлар асосида биологик фаол бирикмалар синтез қилиш ҳамда ТИФ ТН бўйича синфлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда табиий манбалардан биологик фаол моддаларни ажратиб олиш ва улар асосида янги турдаги биологик фаол озиқ-овқат қўшилмалари ишлаб чиқиш, айрим бирикмалар асосида биологик фаол моддалар синтез қилиш ва амалиётда қўллаш борасида муайян натижаларга эришилди. Ушбу йўналишда таркибда саратонга қарши фаоллик намоён қилувчи моддалар бўлган ўсимликлардан янги турдаги шифобахш озиқ-овқат қўшилмалари тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Амалга оширилган чора-тадбирлар асосида бир қатор доривор ўсимликлар таркибидан биологик фаол бирикмаларни ажратиб уларни амалиётда қўллашда муҳим натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида<sup>1</sup> “озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари бозорларида таклифни ошириш ва мавсумий тақчилликларни бартараф этиш” бўйича амалга оширилиши муҳим бўлган вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий хом-ашёлардан фойдаланиб, саратонга қарши биологик фаол озиқ-овқат қўшилмаларини ишлаб чиқиш, уларнинг таркиби асосида биологик фаол препаратлар синтез қилиш, кимёвий таркиби бўйича тегишли товар кодлари беришга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 октябрдаги ПҚ-3968-сон «Ўзбекистон Республикасида халқ табobati соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «Янги

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 12 апрелдаги ««Ўзкимёсаноат» АЖ бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2884-сон, 2018 йил 25 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3983-сон Қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. “Кимё технологиялар ва нанотехнологиялар” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** *Artemisia annua L* ўсимлиги таркибига кирувчи ва синтетик органик пероксидлар ҳамда ферроцен асосида биологик фаол моддалар синтези ва уларни тадқиқотига йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан The University of North Carolina, Department of Molecular, Cellular, and Developmental Biology of the University of Michigan (АҚШ), Botanical Institute of the University of Koeln (Германия), Department of Industrial Engineering of the University of Salerno (Италия), Department of Pediatric Cardiology of Children's Heart Centre of the Skåne University Hospital (Швеция), Department of Natural Medicinal Chemistry of the China Pharmaceutical University, South China University of Technology (Хитой), Academy of Scientific and Innovative Research, CSIR-Human Resource Development Centre, Division of Organic Chemistry of the CSIR-National Chemical Laboratory (Ҳиндистон), Department of Chemistry, University of Sargodha (Покистон), Россия ФА Органик кимё институти, Санкт-Петербург давлат технология институти (Россия Федерацияси), Тожикистон миллий университетиди (Тожикистон) олиб борилмоқда.

Табий ва синтетик органик пероксидлар ҳамда ферроцен асосида биологик фаол моддалар синтезига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: артемизинининг антималяриал ва саратонга қарши қатор ҳосилалари синтез қилинган (The University of North Carolina, АҚШ); ферроценнинг антималяриал, фунгицид, бактерицид, саратонга қарши фаолликка эга бўлган ҳосилалари олинган (Department of Molecular, Cellular, and Developmental Biology of the University of Michigan, АҚШ); синтетик пероксидлар, жумладан, 1,2,4,5-тетраоксанлар, 1,2,4-триоксаланлар синтез қилинган; (Россия ФА Органик кимё институти, Россия Федерацияси); олинган бирикмаларнинг антималяриал, саратон хужайраларига қарши, фунгицидлик фаолликлари аниқланган (Botanical Institute of the University of Koeln (Германия), Department of Industrial Engineering of the University of Salerno (Италия), артемизинин асосида биологик фаол қўшилмалар ишлаб чиқилиб, малярия вирусига қарши фаоллиги исботланган (Department of Pediatric

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: [www.sciencedirect.com](http://www.sciencedirect.com); [www.pubs.acs.org](http://www.pubs.acs.org); [www.mdpi.com](http://www.mdpi.com); [www.scielo.br](http://www.scielo.br); [www.pubs.rsc.org](http://www.pubs.rsc.org); [www.onlinelibrary.wiley.com](http://www.onlinelibrary.wiley.com); [www.tandfonline.com](http://www.tandfonline.com); [link.springer.com](http://link.springer.com) ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Cardiology of Children's Heart Centre of the Skåne University Hospital (Швеция), Department of Natural Medicinal Chemistry of the China Pharmaceutical University, South China University of Technology (Хитой), Academy of Scientific and Innovative Research, CSIR-Human Resource Development Centre, Division of Organic Chemistry of the CSIR-National Chemical Laboratory (Ҳиндистон), Тоҷикистон миллий университетида (Тоҷикистон).

Дунёда табиий ва синтетик органик пероксидлар ҳамда ферроцен асосида биологик фаол моддалар олиш ва уларни амалиётда қўллаш бўйича қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, артемизинин ва унинг ҳосилалари асосида безгак вирусига қарши самарали дори воситалари ишлаб чиқиш; таркибида битта ва иккита пероксид гуруҳ тутган халқали синтетик пероксидлар синтез қилиш ҳамда уларнинг безгакка, саратонга қарши, фунгицидлик хоссаларини тадқиқ этиш, уларнинг орасидан самарали бирикмаларни дори воситаси сифатида ишлаб чиқариш; ферроценнинг турли биологик фаол бирикмалар, хусусан, артемизинин билан малярия, саратон, замбуруғлар ва бактерияларга қарши юқори фаолликка эга бўлган ҳосилаларини синтез қилиш; *Artemisia annua* L ўсимлиги асосида саратон ва коронавируsgа қарши биологик фаол қўшилмалар ишлаб чиқиш ва амалиётга қўллаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ферроценнинг карбоксил гуруҳи тутган ҳосилалари синтези ва хоссаларини ўрганиш борасида АҚШда Robert Woodward, John Tebboth, John Tremaine, Россияда А.Н.Несмеянов, Н.А.Несмеянов, Н.С.Кочеткова, Э.Г.Перевалова, В.Д.Вильчевская, Л.В.Снегур, Японияда S.Yamada, A.Nakahira, M.Kumada ва бошқа олимлар, Ўзбекистонда А.Ғ.Маҳсумов, И.Р.Асқаров, А.М.Жўраев, Ш.М.Қирғизов ва бошқалар, *Artemisia annua* L ўсимлиги кимёвий таркибини ўрганиш, ундан артемизининни ажратиб олиш ҳамда ярим синтетик ҳосилаларини синтез қилиш бўйича Хитойда Tu You You, Li Zhang, Richard Haynes, АҚШ да Patrick R. Arsenault, Kristin K. Wobbe, Буюк Британияда Stephen Hindley, Paul M. O'Neill, Францияда Guillaume Magueur, Danièle Bonnet-Delpon ва бошқалар тадқиқотлар олиб боришган. Синтетик органик пероксидлар ва уларнинг ферроцен билан ҳосилалари синтези бўйича АҚШда Jonathan Vennerstrom, James Wood, Буюк британияда Gary Posner, Хитойда Ho-Wai Chan, Wai-Lun Lam, Россияда А.О.Терентьев, В.А.Виль, И.А.Яременколарнинг тадқиқот натижалари диққатга сазовор.

Илмий манбаларда *Artemisia annua* L ўсимлиги кимёвий таркиби, ундан артемизининни ажратиб олиш, у асосида ярим синтетик, синтетик органик пероксидлар олиш, уларнинг ферроценли ҳосилалари синтези, хоссаларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган бўлсада, ферроценликарбон кислоталар, уларнинг ҳосилалари билан таркибида органик пероксид тутган ҳосилаларини синтез қилиш ҳамда уларнинг доривор хусусиятлари системали тарзда ўрганилмаган. Таркибида ферроцен ва органик пероксидлар тутган бирикмалар кимёвий таркиби бўйича товарлар номенклатурасига биноан синфларга ажратилмаган. Ўзбекистонда ўсадиган *Artemisia annua* L ўсимлиги асосида саратонга қарши биологик фаол озик-овқат қўшилмалари ишлаб чиқилмаган.

Мазкур диссертация иши ферроцен ва органик пероксидлар асосида янги бирикмалар синтез қилиш, олинган бирикмаларнинг таркиби, тузилиши ва доривор хусусиятларини тадқиқ этиш, кимёвий таркиби асосида синфлаш, ТИФ ТН бўйича тегишли янги товар кодлари ажратиш ва тавсия этилган товар кодларини амалиётга жорий этиш, *Artemisia annua L* ўсимлиги асосида биологик фаол қўшилмалар ишлаб чиқиш ва амалиётга қўллаш каби муаммоларни ечишга йўналтирилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг “Таркибида темир тутган биологик фаол моддалар, уларни кимёвий таркиби асосида синфлаш” йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** *Artemisia annua L* ўсимлиги кимёвий таркибидаги таркибидаги артемизинин ва синтетик органик пероксидларнинг ферроценли ҳосилаларини синтез қилиш, уларнинг биологик фаоллигини аниқлаш, кимёвий таркиби асосида синфлаш, ҳамда *Artemisia annua L* ўсимлиги асосида биологик фаол озиқ-овқат қўшилмаси ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Фарғона водийсида ўсадиган *Artemisia annua L*, ўсимлиги кимёвий таркибини аниқлаш;

*Artemisia annua L* ўсимлигидан артемизининни ажратиб олиш технологиясини такомиллаштириш;

артемизинин ва синтетик органик пероксидларнинг ферроцен тутган янги ҳосилаларини синтез қилиш усулларини ишлаб чиқиш;

олинган моддаларнинг кимёвий таркиби ва тузилишини кимёвий анализ, хроматография, масс-спектрометрия, ИҚ- ва ЯМР-спектроскопия усуллари ёрдамида аниқлаш;

олинган бирикмаларнинг саратон келиб чиқиши ва ривожланишида аҳамиятли бўлган оксил-ферментларга нисбатан ингибиторлик хусусиятини molecular docking услубида *in silico* шароитда текшириб, фаоллиги юқори бўлган бирикмаларни аниқлаш;

*Artemisia annua L*, ўсимлиги асосида саратонга қарши биологик фаол қўшилмалар ишлаб чиқиш;

ферроцен ва органик пероксид тутган препаратларга кимёвий таркиби асосида ТИФ ТН бўйича тегишли товар кодлари ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида *Artemisia annua L* ўсимлиги, унинг таркибидаги флавоноидлар, артемизинин, ферроцен карбон кислоталари ва спиртлари, синтетик органик пероксидлар ҳосилалари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** *Artemisia annua L* ўсимлиги кимёвий таркибини тадқиқ этиш, биологик фаол моддаларни ажратиб олиш усулларини такомиллаштириш, улар асосида биологик фаол қўшилмалар ишлаб чиқиш, ферроцен ва органик пероксидлар янги ҳосилаларини синтез қилиш, мавжуд синтез усулларини такомиллаштириш, олинган моддаларнинг таркиби ва тузилишини аниқлаш, биологик фаоллигини *in silico* шароитида ўрганиш, уларни кимёвий таркиби асосида тегишли синфларга ажратиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида кимёвий анализ, юпка қатламли ва устунли хроматография, ИҚ спектроскопия, масс-спектрометрия, ЯМР спектроскопия, ІСР эмиссион спектрометрия, ЮССХ, ГХ-МС, кимёвий моддалар молекуляр тузилишини ва хоссаларини замонавий квант-кимёвий, QSAR, молекуляр докинг усулларида ҳисоблаш, шунингдек, товарларни ТИФ ТН бўйича синфлаш усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Фарғона водийсида ўсадиган *Artemisia annua L*, ўсимлиги таркибидаги, макро- ва микроэлементлар, флавоноидлар, артемизинин микдорлари аниқланган;

*Artemisia annua L*, ўсимлигидан артемизининни ажратиб олиш усули такомиллаштирилган;

*Artemisia annua L*, ўсимлигининг ер устки қисмидан ажратиб олинган артемизининнинг 3 та янги ферроценли ҳосилалари синтез қилиниб, уларнинг кимёвий тузилиши  $^1\text{H}$  ва  $^{13}\text{C}$  ЯМР спектроскопияси билан тасдиқланган;

синтетик пероксидлар – 1,2,4-триоксаланларнинг 4 та янги ферроценли ҳосилалари синтез қилинган ва уларнинг кимёвий тузилиши  $^1\text{H}$  ва  $^{13}\text{C}$  ЯМР спектроскопияси, масс-спектрометрия усуллари билан исботланган;

синтез қилинган ва *Artemisia annua L*, ўсимлигида аниқланган моддаларнинг саратонга қарши хусусияти *in silico* шароитида аниқланган ва 5 та бирикма амалдаги препаратлардан юқори хосса намоён қилиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

*Artemisia annua L* ўсимлигининг ер устки қисмидан артемизининни ажратиб олишнинг такомиллаштирилган усули ишлаб чиқилган;

*Artemisia annua L*, ўсимлиги асосида саратонга қарши “Ўсқар” номли БФҚ ишлаб чиқилган;

“Ўсқар” БФҚ ни ишлаб чиқариш учун ташкилот стандарти ва технологик йўриқномалар ишлаб чиқилган;

Табиий ва синтетик органик пероксидлар ҳамда уларнинг ферроценли ҳосилалари Уйғунлашган тизим қоидаларига мувофиқ синфланиб, уларга Ташқи иқтисодий фаолият Товарлар номенклатураси бўйича 2 та янги товар код рақамлари таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ўсимлик таркибини замонавий ІСР эмиссион спектрометрия, ЮССХ, ГХ-МС хроматография усуллари билан тадқиқ этилганлиги, синтез қилинган моддаларнинг тозалиги хроматография усулида текширилганлиги, уларнинг кимёвий анализ, ИҚ-, ЯМР-спектроскопик, масс-спектрометрик анализ натижалари замонавий асбоб ва жиҳозлардан фойдаланиб ўлчанганлиги, тажрибаларда олинган натижаларни ҳисоблашнинг илғор квант-кимёвий усулларда олинган назарий натижаларга мос эканлиги, бирикмаларнинг биологик фаоллиги замонавий компьютер дастурларида QSAR методларида ўрганилганлиги, барча олинган натижаларнинг математик қайта ишланганлиги, олинган натижаларнинг илмий нашрларда эълон қилинганлиги ҳамда амалий натижалар ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Фарғона водийсида ўсадиган *Artemisia annua L.*, ўсимлиги кимёвий таркиби ўрганилганлиги, ундан артемизининни ажратиб олиш усули такомиллаштирилганлиги, артемизинин ва синтетик пероксидлар ва ферроцен асосида янги бирикмалар синтез қилинганлиги, олинган барча моддаларнинг таркиби, тузилиши, хоссалари хроматография, ЯМР-, ИҚ-спектроскопия, масс-спектрометрия усулларида ҳамда молекулалар тузилишни квант-кимёвий ҳисоблаш методларида, биологик фаоллиги QSAR методларида *in silico* шароитида тадқиқ этилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти *Artemisia annua L.*, ўсимлиги асосида янги БФҚ ишлаб чиқилганлиги, унинг саратонга қарши хусусияти кимёвий, квант-кимёвий, фармакологик тадқиқотлар воситасида исботланганлиги, табиий ва синтетик органик пероксидларни ҳамда уларнинг ферроценли ҳосилаларини кимёвий таркиби бўйича синфлаб, ТИФ ТН бўйича янги товар кодлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** *Artemisia annua L.* ўсимлиги ва ферроцен асосида халқ табобатида қўлланиладиган биологик фаол бирикмалар олиш ва уларни синфлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

табиий ва синтетик органик пероксидлар ҳамда уларнинг ферроценли ҳосилалари Уйғунлашган тизим қоидаларига мувофиқ синфланиб, уларга ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича табиий ва синтетик органик пероксидлар учун - **2909 60 000 1**, ферроценнинг органик пероксидлар билан ҳосилалари учун - **2942 00 000 7** товар код рақамлари Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитаси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 29 январдаги 1/16-037-сон маълумотномаси). Натижада, табиий ва синтетик органик пероксидлар ҳамда уларнинг ферроценли ҳосилаларини синфлаш имконини берган;

*Artemisia annua L.*, ўсимлигининг асосида саратонга қарши фаоллиги юқори бўлган “Ўсқар” номли БФҚнинг Ts 303271760-001:2022 рақамли ташкилот стандарти ва ТИ 303271760-001:2022 рақамли технологик йўриқномаси ишлаб чиқилиб, “Олтин водий табиати” МЧЖ томонидан ишлаб чиқариш йўлган қўйилган (Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати томонидан 2022 йил 22 июндаги 318/4552-сонли ва 2022 йил 11 августдаги 318/5193-сонли маълумотномалари). Натижада саратонга қарши самарали озик-овқат қўшилмаси ишлаб чиқариш имконини берган;

Табиий ва синтетик органик пероксидлар ҳамда ферроцен асосида янги моддалар олиш усулидан Тожикистон Миллий университетида фойдаланилган (Тожикистон Миллий университети ҳузуридаги илмий тадқиқот институтининг 2022-йил 16-июндаги 167-сон маълумотномаси). Натижада, ферроценнинг органик пероксидлар билан биологик фаол ҳосилаларини олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 21 та, жумладан 13 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори (DSc) диссертациялари илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларида 10 та мақола, хорижий тақриз қилинадиган журналларда 4 та мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 181 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“*Artemisia annua L* ўсимлигининг кимёвий таркиби, шифобахш хусусиятлари (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида *Artemisia annua L* ўсимлиги тавсифи, кимёвий таркиби ва халқ табобатида ишлатилиши, артемизинин ва унинг ҳосилаларининг олинishi, синтетик органик пероксидларнинг олинishi ва биологик фаоллиги ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ферроцен асосида биологик фаол бирикмалар олинishi ва уларни синфлаш (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган иккинчи бобида ферроценнинг биологик фаол ҳосилалари, ферроценнинг табиий ва синтетик органик пероксидлар билан биологик фаол ҳосилалари, саратонни даволашда ишлатиладиган биологик фаол қўшилмалар ва бирикмалар, саратоннинг келиб чиқилишининг асосий омиллари ва уларни олдини олувчи воситалар, саратонни даволашда ишлатиладиган синтетик дори воситалари ва уларнинг ножўя таъсирлари, халқ табобатида саратон касаллигини даволашда ишлатиладиган шифобахш ўсимликлар, табиий ва синтетик органик пероксидларнинг Уйғунлашган тизим асосида синфланиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“*Artemisia annua L* ўсимлигидан артемизининни ажратиб олиш ва унинг ҳосилалари синтези ҳамда уларни синфлаш”** деб номланган учинчи бобида Фарғона водийсида ўсадиган *Artemisia annua L* ўсимлигининг кимёвий таркибини ўрганиш, артемизининни ажратиб олишнинг такомиллаштирилган усулини ишлаб чиқиш, артемизининнинг молекуляр тузилишини ИҚ, масс-спектрометрик таҳлили, артемизининнинг ярим синтетик ҳосилалари синтези, ферроцен карбон кислоталари, спиртлари синтези, артесунатнинг ферроценли ҳосилаларини олиш, 1,2,4,5-тетраоксанлар, 1,2,4-триоксоланлар синтези, синтетик пероксидларнинг ферроценли ҳосилаларини олиш ва уларнинг тузилишини ўрганиш, *Artemisia annua L* ўсимлиги таркибида

аниқланган ва синтез қилинган бирикмаларнинг биологик фаоллигини *in silico* шароитида ўрганиш, бирикмаларнинг ўткир заҳарлилигини ва саратонга қарши фаоллигини *in silico* шароитида баҳолаш, табиий ва синтетик органик пероксидлар ҳамда уларнинг ферроценли ҳосилаларини синфлаш натижалари муҳокама қилинади.

*Artemisia annua L* ўсимлигининг ер устки қисми минерал таркиби ICP – индуктив боғланган эмиссион спектрометрия методини қўллаган ҳолда аниқланди. Олинган маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган.

1-жадвал.

**Фарғона водийсида ўсадиган *Artemisia annua L* ўсимлигининг ер устки қисми макро- ва микро элементлар миқдори, мг/100 г**

Mn	Na	P	Mg	Ca	Li	S	Al	Ba
22.9	170.4	278.0	477	252.9	0.549	7.79	15.24	2.05
Co	K	Ni	B	Zn	Fe	Cu	Te	Mo
0.243	641.2	0.237	6.48	61.41	112.1	0.971	0.198	0.054

***Artemisia annua L* ўсимлигининг намлик, кул, флавоноидлар миқдори.**

*Artemisia annua L* ўсимлиги ер устки қисмининг намлик миқдори ўртача 6,544 % ни, умумий кул миқдори тадқиқ этилганда 7,05 фоизни ташкил этиши аниқланди. Натижалар параллел 5 тажрибалар асосида ҳисобланди ва ўртача миқдор аниқланди.

***Artemisia annua L* ўсимлиги ер устки қисми таркибидаги флавоноидлар миқдори.** Флавоноидлардан галл кислота, рутин, кверцитин, апигенин ва каемпферолларнинг миқдори ЮССХ методи ёрдамида аниқланди. Галл кислота, рутин, кверцитин миқдорини аниқлаш LC 2030 C 3D Plus (Shimadzu, Япония) қурилмасида DAD detector ёрдамида 254 нм тўлқин узунлиги детекциясида амалга оширилди.

3-жадвал.

***Artemisia annua L* ўсимлиги ер устки қисми этанолли экстракти таркибидаги флавоноидлар миқдори.**

№	Намуна	Галл кислота мг/мл	Рутин мг/мл	Кверцитин мг/мл	Апигенин мг/мл	Каемпферол мг/мл
1	<i>Artemisia annua L</i>	0,474	0,03	0,005	0,054	0,001

Жадвалда кўришиб туриптики, *Artemisia annua L* ўсимлиги ер устки қисмида галл кислота миқдори кўпроқ бўлиб, бу унинг антиоксидантлик хусусиятини намоён этишида асосий омил бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари галл кислотаси саратонга қарши фаоллик намоён этиб, ўсма хужайрасидаги оксидланиш-қайтарилиш реакцияси занжирига таъсир қилиб уни бузади.

***Artemisia annua L* ўсимлиги ер устки қисмидан артемизининни ажратиш олишнинг такомиллаштирилган усули.** Петролей эфир билан қайнаш ҳароратида экстракция қилиш адабиёт бўйича олиб борилди ва экстракт таркибидаги артемизининни ЮССХ усулида анализ қилинганда, ўсимлик ер устки қисмининг қуруқ массасига нисбатан 0,175 % ни ташкил этиши аниқланди. Экстрактдан концентрлаш, колонкали хроматографияда ажратиш ва қайта кристаллаш билан 0,15 % гача артемизининни ажратиш олиш имконини беради.

Эритувчини 96 % ли этанолга алмаштирилганда эса экстракция қилинган артемизининнинг миқдори 0,57 % гача кўтарилиши маълум бўлди. Бунинг учун 100 г ўсимликнинг қуритилган ер устки қисми қайтарма совиткичли колбада 3 марта 600 мл дан этанол билан ҳар бирида 1,5 соатдан экстракция қилинади. 96 % ли этанол билан артемизининни экстракция унуми 80 % бўлиб, 3 марта экстракция эвазига назарий жиҳатидан 99,2 % артемизининни (1) (Бу ерда ва бундан сўнг моддалар рақамлари (қорайтирилган шрифтда) V бобда келтирилган рақамларга мос келади) ажратиб олиш имкони пайдо бўлади. Олинган бирламчи экстрактни концентрлаб, ҳажмига нисбатан 3 баробар кўп сув қўшилади ва гексан билан иккиламчи экстракцияланади. 25 % ли этанолдан гексанга экстракция унуми 60 % бўлгани учун 4 марта экстракция қилиш билан назарий жиҳатдан 97,5 % артемизининни гексанга ўтказиш мумкин. Иккиламчи экстрактни концентрлаш, колонкали хроматография, қайта кристаллаш билан 98 % тозаликдаги артемизинин ўсимликнинг қуруқ қисмига нисбатан 0,38 % ҳолатда ажратиб олинди. Мазкур усул билан артемизининни ажратиб олиш унумини 2,5 баробарга ошириш мумкин.

Петролей эфир ўрнига этанолни экстрагент сифатида ишлатилишига этанолнинг нисбатан арзон, осон топиладиган ва заҳарлилиги паст эритувчи эканлигидир. Мазкур усулнинг қатор афзалликларини куйидаги жадвалдан ҳам кўриш мумкин:

4-жадвал.

**1 г артемизининни экстракция қилиб ажратиб олиш учун анъанавий ва такомиллаштирилган усуллардаги материал ва вақт сарфи**

Сарф	Адабиётдаги усул	Янги усул
Қуруқ ўсимлик хом-ашёси, г	660 ±10	260±5
Эритувчи	Петролей эфир	Этанол (96 %)
Эритувчи ҳажми, мл	2000 ±100	4700±150
Иккиламчи экстракция эритувчиси	хлороформ/ацетонитрил	гексан
Иккиламчи экстракт ҳажми, мл	100/550	2600±50
Элюент	EtOAc/CHCl <sub>3</sub> 1:15	гексан/этилацетат 85:15
Элюент ҳажми, мл	650±10	500±10
Вақт, соат	10	8
Умумий ҳаражат, сўм*	543 750	494 500

\* реактивларнинг нархларини ҳисоблашда республика ҳудудида етказиб берувчиларнинг 2022 йил июнь ойидаги тижорий таклифлари асос қилиб олинди

Жадвалдан кўринадикки, таклиф этилаётган усул билан 1 г артемизинин ажратиб олишда анъанавий усулга нисбатан 49250 сўм иқтисод қилинади.

**Ажратиб олинган артемизининнинг ИҚ-спектри** адабиётларда келтирилган натижаларга мос келиши қайд этилди. Хусусан, 833 см<sup>-1</sup>, 931 см<sup>-1</sup>, 985 см<sup>-1</sup> даги интенсив чўққилар молекуладаги –С–С– валент тебранишларига, 1010 см<sup>-1</sup> ва 1018 см<sup>-1</sup> соҳалардаги чўққилар –С–О– валент тебранишларига, 1115 см<sup>-1</sup> даги кучли интенсивликдаги чўққи –О–О– валент тебранишига мос келиши аниқланди. 1385 см<sup>-1</sup> да –СН<sub>3</sub> валент тебранишига мос ва 1456 см<sup>-1</sup> да –СН<sub>2</sub> деформацион тебранишига мос ўртача интенсивликдаги чўққилар ҳосил бўлди. С=О боғи валент тебранишига тегишли кучли интенсив чўққи 1735 см<sup>-1</sup> да

намоён бўлади.  $2947\text{ см}^{-1}$  ҳамда  $2978\text{ см}^{-1}$  даги кучсиз интенсив чўккилар  $-\text{CH}_2-$  валент тебранишига мос келади.

**Олинган Артемизининнинг масс-спектрида** асосан димер ( $565,3883\text{ m/z}$ , 100 %;  $566,3920\text{ m/z}$ , 32 %) ҳамда молекуляр ионига хос ( $283,2015\text{ m/z}$ , 38 %;  $285,206\text{ m/z}$ , 1 %) бўлган чўккилар ҳосил бўлган.


**Артемизинин ҳосилалари синтези.** Дигидроартемизининни синтез қилишда юмшоқ қайтарувчи  $\text{NaBH}_4$  дан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Реакция  $0-5\text{ }^\circ\text{C}$  да метанолда олиб борилганда  $\text{NaBH}_4$  нинг эквивалент миқдори дигидроартемизининга нисбатан 3,5 барорбар кўп бўлганда ва реакция вақти 2 соатдан ошмаганда унум 73 % бўлиши аниқланди. Вақтни кўпайтириш дигидроартемизинин миқдорини камайишига олиб келди.

5-жадвал.


**Артемизининни қайтаришда  $\text{NaBH}_4$  миқдори ва вақтнинг реакция унумига таъсири**

№	$\text{NaBH}_4$ нинг артемизининга нисбатан миқдори, экв	Вақт, соат	Реакция унуми, %
1	1:2	1	38
2	1:2	2	42
3	1:2	2,5	51
4	1:3	2,5	58
5	1:3	3	62
6	1:3	3,5	65
7	1:3,5	1,5	62
<b>8</b>	<b>1:3,5</b>	<b>2</b>	<b>73</b>
9	1:3,5	2,5	60
10	1:4	1,5	60
11	1:4	2,5	62
12	1:4	3	53

Олинган оқ кристалл шаклидаги дигидроартемизинин  $\alpha$ - (**2a**) ва  $\beta$ -дигидроартемизинин (**2b**) ларнинг рацемати бўлиб, колонкали хроматографияда ажратиш  $\alpha$ -дигидроартемизининнинг (**2a**) аралашмадаги улуши 90 % ни ташкил этишини кўрсатди. Кейинги тажрибаларда хом-ашё сифатида  $\alpha$ -дигидроартемизинин (**2a**) дан фойдаланилди. Реакция қуйидаги тенглама бўйича содир бўлади:




$\alpha$ -Дигидроартемизинин (**2a**) дан  $\alpha$ -артесунат (**3**) нинг олиниши этерификация билан содир бўлишини ҳисобга олган ҳолда, юмшоқ сув тортиб олувчилардан фойдаланиш мақбул деб топилди. Реакция қуйидаги тенглама бўйича содир бўлади:




3 ning  $^1\text{H}$  ЯМР спектри таҳлил қилинганда Н-10 протонига хос дуплет шаклидаги иккита сигнал 5,8 м.у. ва 5,83 м.у. ларда ҳамда Н-12 га хос синглет сигнал 5,45 м.у. да ҳосил бўлиши маҳсулотнинг айнан 10- $\alpha$ -артесунат эканлигини кўрсатади. 0,85-0,87 м.у. да ва 0,93-1,0 м.у. соҳаларда иккита дуплет сигналлар метил гуруҳларининг протонларига, 2,63-2,81 м.у. соҳасидаги мултиплет сигнал қаҳрабо кислотаси қисмидаги метилен гуруҳлари протонларига тегишли.

**Ферроцен карбон кислоталари, спиртлари синтези.** Ферроценнинг алифатик ва ароматик спиртлари синтези адабиётларда келтирилган. Ферроцендан айрим карбон кислоталар ва спиртлар синтези қуйидаги схемага асосан олиб борилди.




**Артесунатнинг ферроценли ҳосилаларини олиш.** Синтез қуйидаги схема асосида олиб борилди:




Артесунат ва ферроценли спиртлар ўртасидаги реакция юмшоқ шароитда, сувсиз дихлорметанда EDCI ёки DCC сув тортиб олувчи агентлар, DMAP

катализатори иштирокида амалга оширилди. **3** ва **17** ўртасидаги реакцияси 10-12 соат давомида олиб борилганда асосий маҳсулот – (ферроценил)метил ((3*R*,5*aS*,6*R*,8*aS*,9*R*,10*R*,12*R*,12*aR*)-3,6,9-триметилдекагидро-12*H*-3,12-эпокси[1,2]диоксепино[4,3-*i*]изохромен-10-ил) сукцинат (**24**) унуми 76 % ни ташкил этди. **24** нинг <sup>1</sup>H ЯМР спектрида (1-расм) 5.80-5.78, 5.42 м.у. соҳалардаги артемизинин лактон халқасининг протонларига хос, 4.16-4.07 м.у. соҳасида ферроцен халқаси протонларига хос сигналларнинг ҳосил бўлиши мураккаб эфир ҳосил бўлганлигидан дарак беради.




**1-расм. (ферроценил)метил ((3*R*,5*aS*,6*R*,8*aS*,9*R*,10*R*,12*R*,12*aR*)-3,6,9-триметилдекагидро-12*H*-3,12-эпокси[1,2]диоксепино[4,3-*i*]изохромен-10-ил) сукцинат (**24**) <sup>1</sup>H ЯМР спектри**

**15** нинг артезунат билан реакцияси 2 хил усулда олиб борилди. 1-усулда сув тортиб олувчи сифатида EDCI дан фойдаланиб, 45 % унум билан (1-ферроценил)этил ((3*R*,5*aS*,6*R*,8*aS*,9*R*,10*R*,12*R*,12*aR*)-3,6,9-триметилдекагидро-12*H*-3,12-эпокси[1,2]диоксепино[4,3-*i*]изохромен-10-ил) сукцинат (**25**) оптик изомерлар аралашмаси олинди. 2-усулда DCC дан фойдаланилганда реакция унуми 31 % ни ташкил этди. Реакция учун олинган **15** (1*R*)-1-ферроценилэтанол (**15a**) ва (1*S*)-1-ферроценилэтанол (**15b**) оптик изомерларнинг рацемати бўлгани учун маҳсулот **25** ҳам оптик изомерлар аралашмасидан иборат. <sup>1</sup>H ЯМР спектри (2-расм) таҳлилидан **25b** нинг аралашмадаги улуши 90,6 % га тенг эканлиги келиб чиқади. 1-Ферроценилэтанол **15** синтезида **15b** нинг энантиомерлар аралашмасидаги улуши 75 % ни ташкил этгани ҳисобга олинса, **15a** нинг реакцияга камроқ киришгани маълум бўлади.




2-расм. (1-ферроценил)этил ((3*R*,5*aS*,6*R*,8*aS*,9*R*,10*R*,12*R*,12*aR*)-3,6,9-триметилдекагидро-12*H*-3,12-эпокси[1,2]диоксепино[4,3-*i*]изохромен-10-ил) сукцинат (25) <sup>1</sup>H ЯМР спектри.

**1,2,4,5-тетраоксанлар синтези.** 1,2,4,5-тетраоксанлар адабиёт методикаси бўйича синтез қилинди. Синтезнинг умумий жараёни қуйидаги схема бўйича олиб борилди:




7 нинг <sup>1</sup>H ЯМР спектрида мураккаб эфир қисмидаги этил ўринбосарининг метилен ва метил протонларига тегишли сигналларнинг йўқолиши, трициклик халқанинг С-7 протони триплет сигналининг 2.78-2.72 м.у. соҳага кимёвий силжиши гидролиз содир бўлганини ва халқада пероксид гуруҳлар сақланиб қолганини англатади. Тетраоксан халқасига боғланган 2- ва 6-метил протонлари 1.61 м.у. да синглет сигнал ҳосил қилади. Трициклик халқа ва карбоксил гуруҳ ўртасидаги иккита метилен протонлари 2.65-2.57 ва 2.02-1.92 м.у. соҳаларга силжиган мултиплет сигналларни намоён этади.

**1,2,4-триоксоланлар синтези.** 1,2,4-триоксоланлар синтези маълум методика асосида қуйидаги схема бўйича олиб борилди:





**Синтетик пероксидларнинг ферроценли ҳосилаларини олиш ва уларнинг тузилишини ўрганиш.** Таркибида карбоксил гуруҳ тутган триоксолан 3-(2-(этоксикарбонил)-1,5-диметил-6,7,8-триоксабицикло[3.2.1]октан-2-ил)пропан кислота (**11**) билан ферроценилметанол (**17**) нинг этерификация реакцияси қуйидаги тенглама бўйича содир бўлади:



Мазкур реакциянинг унуми 56 % бўлиб, маҳсулот қўнғир рангли мойсимон модда. Бирикма **26** нинг  $^1\text{H}$  ЯМР спектрида (3-расм) 4.66, 4.34 м.у. соҳадаги синглет сигналлар ферроценнинг алмашинган циклопентадиенил халқасининг мос равишда  $\alpha$ - ва  $\beta$ -протонларига, 4.06 м.у. даги синглет сигнал эса алмашинмаган циклопентадиенил халқаси протонларига тегишли. Триоксабицикло[3.2.1]октан халқасига боғланган иккита метил протонлари 1.61 ва 1.5 м.у. соҳада иккита синглет сигналларни, халқа метилен гуруҳлари протонлари эса 2.84-2.65, 2.40-2.33 ва 0.92-0.86 м.у. соҳаларда мультиплет сигналларни ҳосил қилган.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида таркибида бензол халқаси тутган ферроцен спиртлари – ферроценилбензил спиртлар билан 3-(2-(этоксикарбонил)-1,5-диметил-6,7,8-триоксабицикло[3.2.1]октан-2-ил)пропан кислота (**11**) нинг этерификацияси амалга оширилди. Реакция қуйидаги схема бўйича олиб борилди:






**3-расм. Ферроценилметил 3-(2-(этоксикарбонил)-1,5-диметил-6,7,8-триоксабицикло[3.2.1]октан-2-ил)пропионат (26) <sup>1</sup>H ЯМР спектри.**


Маҳсулотларнинг реакция унумлари 45-65 % бўлиб, барча ферроценилбензил озонидлар қизғиш-қўнғир рангли мойсимон суюқликлардир.

**27** нинг <sup>1</sup>H ЯМР спектрида 7.49-7.43 м.у. соҳада дуплет, 7.34-7.27 м.у. соҳада триплет ва 7.17 м.у. да синглет сигналларнинг ҳосил бўлиши, молекулада бензол халқаси борлигини кўрсатади. 4.66, 4.34 м.у. лардаги иккита синглет ферроценнинг алмашинган циклопентадиенил халқасининг мос равишда α- ва β-протонлари, 4.06 м.у. даги синглет алмашинмаган циклопентадиенил халқаси протонларига тегишли сигналларнинг мавжудлиги молекулада ферроцен мавжудлигидан дарак беради. Триоксабицикло[3.2.1]октан халқаси протонлари 4.26-4.16 м.у. соҳада квадруплет, 2.29-2.18 м.у. соҳада мультиплет сигналларни ҳосил қилади. **28** <sup>1</sup>H ЯМР спектрида ҳам айна сигналлар кўринади. **28** нинг масс-спектрида [C<sub>30</sub>H<sub>34</sub>FeO<sub>7</sub>]<sup>+</sup> молекуляр иони учун ҳисобланган масса 562.4400 га жуда яқин бўлган 562.1653 қиймат асосий чўққи сифатида кўринади. Бу эса бирикма **28** нинг ҳосил бўлганини кўрсатади.

Триоксоланларнинг гидроксил гуруҳ тутган вакили этил 2-(3-гидроксипропил)-1,5-диметил-6,7,8-триоксабицикло[3.2.1]октан-2-карбоксилат (**12**) га ферроценкарбон кислота (**16**) таъсир эттириб мураккаб эфир этил 2-(3-(ферроценоилокси)пропил)-1,5-диметил-6,7,8-триоксабицикло[3.2.1]октан-2-карбоксилат (**29**) олиш реакцияси қуйидаги тенглама бўйича олиб борилди:



**29** нинг  $^1\text{H}$  ЯМР спектрида (4-расм) 4.8 м.у. ва 4.41 м.у. да иккита синглет сигналлар ферроценнинг алмашинган циклопентадиенил халқасининг мос равишда  $\alpha$ - ва  $\beta$ -протонларига тегишли. 4.24-4.19 соҳасида ферроценнинг алмашинмаган халқасининг 5 та протонига тегишли синглет сигнал (4.21 м.у. да) ҳамда триоксабицикло[3.2.1]октан халқасининг метилен гуруҳи протонига тегишли мультиплет сигналлар намоён бўлган. Халқанинг яна бир метилен протонлари 2.24-2.13 м.у. да мультиплет, халқага боғланган метиллар эса 1.36-1.24 м.у. да мультиплет сигналларни ҳосил қилади.



**4-расм. Этил 2-(3-(ферроценоилокси)пропил)-1,5-диметил-6,7,8-триоксабицикло[3.2.1]октан-2-карбоксилат (29)  $^1\text{H}$  ЯМР спектри.**

**Бирикмаларнинг молекуляр тузилишини оптималлаштириш ва баъзи физик-кимёвий катталикларини ҳисоблаш.**

Барча бирикмаларнинг молекуляр тузилиш GaussView 5 дастурида моделлаштирилди ва Gaussian09w дастурида аввалги ишларимизда ферроцен бирикмалари учун энг мақбул деб топилган DFT/B3LYP гибрид методи 6-31G базисида энергетик оптимизацияси амалга оширилди. Қуйидаги жадвалда энергетик минимумдаги бирикмаларнинг ҳисобланган умумий энергияси, Юқори тўлган молекуляр орбитал энергияси ( $E_{\text{НОМО}}$ ), Қуйи бўш молекуляр

орбитал энергияси ( $E_{LUMO}$ ), улар орасидаги фарқ ( $\Delta E$ ), дипол моменти келтирилган.

6-жадвал.

**Текширилаётган бирикмаларнинг энергетик оптималлаштирилган ҳолатидаги айрим физик-кимёвий катталиклари**

Бирикма	Умумий энергияси ( $E_{HOMO}$ ), эВ	ЮТМО ( $E_{HOMO}$ ), эВ	ҚБМО ( $E_{LUMO}$ ), эВ	$\Delta E$ , эВ	Дипол моменти, Дб
галл кислота	-646,26	6,504	1,576	4,928	7,69
рутин	-2249,74	5,651	1,881	3,770	8,30
кверцитин	-1103,81	5,727	1,591	4,136	9,17
апигенин	-953,47	6,120	2,064	4,055	3,75
каемпферол	-1028,65	5,922	2,011	3,911	4,66
<b>1</b>	-960,92	6,691	0,014	6,676	5,57
<b>2a</b>	-962,03	6,986	1,081	5,906	5,30
<b>2b</b>	-962,02	6,784	0,787	5,997	3,41
<b>3</b>	-1303,36	6,431	0,102	6,329	3,17
<b>24</b>	-3030,87	5,298	1,235	4,062	5,64
<b>25a</b>	-3070,18	5,427	1,205	4,222	5,68
<b>25b</b>	-3070,18	5,397	1,191	4,206	5,33
<b>26</b>	-2722,29	5,408	1,040	4,368	5,42
<b>27</b>	-2953,29	5,173	1,084	4,089	5,43
<b>28</b>	-2953,30	5,153	1,185	3,968	5,39
<b>29</b>	-2722,30	5,481	1,060	4,422	5,36


**Бирикмаларнинг ўткир заҳарлилигини ва саратонга қарши фаоллигини *in silico* шароитида баҳолаш.** Бирикмаларнинг ўткир заҳарлилигини GUSAR ONLINE сайтида каламушларга перорал (П/О), мушак остига (М/О), вена ичига (В/И) ва тери остига (Т/О) киритилганда 50 % лик ўлим даражасига олиб келувчи миқдор  $LD_{50}$  ни баҳолаш амалга оширилди. Ферроценли ҳосилаларнинг тузилиши GaussView 5 дастурида моделлаштирилиб, .pdb (protein data bank format) форматида сақланди ва сайтдаги MartinJS конструктори ёрдамида қайта ишланди. Бошқа бирикмалар моделлари тўғридан-тўғри MartinJS конструкторида шакллантирилди. Олинган натижалар жадвал ҳолида келтирилган (7-жадвал).

Жадвалдан маълум бўладики, адабий маълумотлар асосида флавоноидлар заҳарлилиги паст бўлган бирикмалар бўлиб, рутин, кверцитин ҳамда апигенин хавфлилик даражаси бўйича 3-синфга ( $LD_{50}$  150-5000 мг/кг), галл кислота эса 4-синфга ( $LD_{50}>5000$ ) тааллуқли. Келиб чиқиши табиий ёки яримсинтетик бўлган артемизинин (**1**),  $\alpha$ - ва  $\beta$ -дигидроартемизининлар (**2a** ва **2b**),  $\alpha$ -артесунат (**3**) ҳам 3-синфга киради. Тадқиқотларимизда синтез қилиб олинган ферроцен ҳосилалари (**24-29**) GUSAR натижаларига кўра 3-синфга киради деб тахмин қилиш мумкин.


## Текширилаётган бирикмаларнинг ўткир заҳарлигини башорат қилиш натижалари

Бирикма	Ўткир заҳарлиги LD <sub>50</sub> , мг/кг				
	Адабиётда	М/О	В/И	П/О	Т/О
галл кислота	>5000	1144	465,9	1606	813,7
рутин	1510	122	2132	2953	1653
кверцитин	>2000	1144	2124	1687	1165
апигенин	>2000	689,1	229,7	896,6	5118
каемпферол	-	1163	392,6	2183	5938
<b>1</b>	4228 (П/О), 3840 (М/О)	322,9	33,86	3236	592
<b>2a</b>	700-900	164,4	19,32	2633	279,6
<b>2b</b>	~1500	164,4	19,32	2633	279,6
<b>3</b>	520 (П/О), 475 (М/О)	254,8	29,6	1317	92,55
<b>24</b>	-	233,3	13,25	1111	296,6
<b>25a</b>	-	76,89	11,12	325,3	173,1
<b>25b</b>	-	76,89	11,12	325,3	173,1
<b>26</b>	-	89,67	30,34	1945	148
<b>27</b>	-	891,3	33,96	1944	19,7
<b>28</b>	-	394,1	33,16	1845	14,18
<b>29</b>	-	205,7	44,89	2219	214,5


Моддаларнинг саратон ҳосил бўлиши ва ривожланишида фаол иштирок этадиган циклооксигеназа-2 (COX-2), топоизомераза II (TOP2), саратон некрози фактори (TNF- $\alpha$ , TNFR-1), интерлейкин-6 (IL-6) каби фермент оқсилларига ингибиторлик таъсирини баҳолаш мақсадида оқсил-лиганд боғланишини *molecular docking* услубида ўрганилди. Молекуляр докингни амалга оширишда AutoDock Vina дастурида эҳтимолий оқсил-лиганд комплекслари ҳамда уларнинг боғланиш энергиялари ҳисобланди. Энг юқори боғланиш энергиясига эга бўлган оқсил-лиганд комплекслари визуализацияси ва оқсилнинг қайси аминокислоталар билан лиганднинг аторлари боғланиш ҳосил қилганини қайд этиш учун PyMOL дастуридан фойдаланилди. Амалда қўлланилаётган ингибиторлар сифатида COX-2 учун аспирин, целекоксиб, индометацин, TOP2 учун этопозид, тенипозид, TNF- $\alpha$ , TNFR-1, IL-6 лар учун дексаметазон, талидомидлар назорат учун танланди:




аспирин




целекоксиб




индометацин




талидомид



этопозид



тенипозид



дексаметазон


8-жадвал.

**Текширилаётган моддаларнинг ингибиторлик хусусияти молекуляр докинги натижалари.**

Бирикма	Оқсил-лиганд боғланиш энергияси				
	COX-2	TOP2	TNF- $\alpha$	TNFR-1	IL-6
галл кислота	<b>-8,1*</b>	-7,1	-6,5	-5,5	-5,8
рутин	<b>-9,6</b>	<b>-9,8</b>	-7,1	-6,9	-6,6
кверцитин	<b>-8,8</b>	<b>-9,3</b>	-7,4	-7,1	-6,5
апигенин	<b>-8,1</b>	-9,0	-8,6	-7,1	-6,6
каемпферол	<b>-8,4</b>	<b>-9,5</b>	-6,7	-7,4	-6,6
<b>1</b>	<b>-8,4</b>	-7,9	<b>-9,1</b>	<b>-7,7</b>	<b>-7,2</b>
<b>2a</b>	<b>-8,1</b>	-7,9	<b>-8,9</b>	<b>-7,7</b>	<b>-7,2</b>
<b>2b</b>	<b>-8,6</b>	<b>-9,3</b>	-6,5	<b>-7,7</b>	-7,0
<b>3</b>	<b>-9,1</b>	-8,1	-6,6	-6,6	-6,6
<b>24</b>	<b>-8,2</b>	-9,2	-7,1	-7,5	-6,7
<b>25a</b>	<b>-8,5</b>	<b>-9,4</b>	-6,8	-7,4	<b>-7,8</b>
<b>25b</b>	<b>-8,5</b>	-8,2	-6,7	-7,5	<b>-7,2</b>
<b>26</b>	-7	-7,3	-5,7	-6,5	-7,0
<b>27</b>	<b>-7,7</b>	-9,0	-6,9	-7,2	<b>-7,5</b>
